

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАЁТГАН ҲУДУД

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида 19 июнь кун Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар соҳа ва тармоқларда ўз натижаларини бермоқда. Бутун республикада технологик “сақраш” кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойида саноат 6,4 фоиз ўсган, бу соҳада экспорт 6 миллиард доллардан ошган.

Бунда Қашқадарё саноатининг ҳиссаси катта. Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” шундай экспортчи корхоналардан бири.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифининг дастлабки манзили “Alp techno servis” корхонаси бўлди.

Қиймати 10 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа электр техникаси йўналишида глобал етказиб бериш занжирини ўрин топган. Корхона хорижий “TCL”, “HOFMANN” брендлари учун буюртмалар тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, маҳаллий SMART брендида асос солинган. Шу номлар остида йилга 500 минг донагача телевизор ва электрон платалар ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулотлар юқори технологик, сифати ва дизайни бозор талабига мос. Шу боис 70 фоиз товарлар экспортга йўналтирилмоқда. Ўтган йили 2 миллион доллардан зиёд экспорт қилинган. Бу йилги режа 10 миллион доллар.

Давлатимиз раҳбари бу тармоқни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

– Бу соҳада тажриба орттирдик, ташқи бозорга йўл топдик. Энди бу корхонани кенгайтириш керак. Одамзод бор экан, бундай маҳсулотларга талаб бўлади. Фақат сифат ва номенклатура бўйича ўсиш, рақобатбардор бўлиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Яна бир муҳим вазифа – маҳаллийлаштириш. Ҳозир корхонада бу кўрсаткич 50 фоиздан ошган. Келгусида 20 миллион долларлик яна 4 та лойиҳани амалга ошириб, чангютгич, электр чойнак, ҳаво совутгич, венти-

лятор ишлаб чиқариш режалаштирилган. Буларнинг натижасида йилга 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Қарши давлат техника университети билан дуал таълим йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳридан Шаҳрисабзга кетаётиб, поездда қашқадарёлик фаоллар билан самимий мулоқотда бўлди.

Сўхбатда шаҳару қишлоқлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти, бугунги тинчлик қадри ҳақида сўз борди.

“Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя давлатимизнинг фаолият дастурига айланган. Шу асосда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, даромади ва фаровонлигини ошириш, маҳаллаларни обод қилиш ижтимоий ҳаётимизда етакчи ўринга чиқмоқда.

Ҳудудлар имкониятини тўлиқ ишга солиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар натижасида юртимизнинг ўзида муносиб меҳнат шароитлари яратилмоқда. Ёшлар ва хотин-қизлар даромадли касбларга ўқитилди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар самарасида саноат жадал ривожланмоқда, илғор технологияли корхоналарда қўшилган қиймат яратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт, энергетика соҳаларида улкан лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Президентимиз иқтисодиёт ривож, аҳоли кайфиятида йўлларнинг аҳамияти юқори эканини таъкидлаб, бу борада мутасаддиларга топшириқлар берди. Охириги 2 йилда юртимизда 40 минг километр йўл ва 540 та кўприк таъмирланган. Бу йил Қашқадарёда жами 100 километр магистрал йўллар таъмирланиши режалаштирилган. Бу лойиҳаларни тезлаштириш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Нуронийлар бу ўзгаришларни халқимиз ўз ҳаётида сезаётгани, ислохотларга юқори баҳо бераётганини айтишди. Хотин-қизлар вакили барча соҳаларда аёлларга кенг имкониятлар берилгани, натижада улар ўз оиласи ва меҳнат жамоаларида қадр

топиб, ҳаётидан рози бўлиб яшаётганини сўзлаб берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази фаолияти билан танишди.

Ижтимоий давлат саналмиш Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш энг долзарб йўналишлардан бири. Шу мақсадда давлат шифохоналари ислоҳ қилиняпти, соҳага инвестициялар жалб этилиб, хусусий сектор ҳам ривожлантирилмоқда. Жумладан, бугунги кунда Қашқадарёда 700 дан зиёд хусусий клиника очилган, уларда 72 та хизмат тури йўлга қўйилган.

Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган “Оқ сарой” клиникаси яқинда ишга тушди. Бу ерда 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хоналари, 100 дан ортиқ шифо ўринлари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардиожарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилган. Бунинг учун Россия, Туркия ва Қувайтдан малакали шифокорлар ишга жалб этилган. Стентлаш, аорта коронар шунтлаш, тўғма нуқсонларни бартараф этиш, эндопротезлаш каби даволар самараси юқори.

Марказ юқори аниқликда ташхис хизмати ҳам кўрсатади. Масалан, замонавий эхокардиография ускунаси сунъий интеллект ёрдамида ишлайди. Бунақаси ҳозирча Ўзбекистонда ягона.

Давлатимиз раҳбари бундай инновацион клиникалар тиббиётда сифат ва дунёқарашни ўзгартириши, бошқаларни ҳам трансформацияга ундашини таъкидлади.

– Бу ердаги тизимни андоза қилиб олиб, 14 та ҳудудимизда шундай клиникалар ташкил этиш зарур. Бунга қанча маблағ керак бўлса, топамиз. Фақат замирида халқимиз учун кафолатланган сифатли даво бўлиши лозим. Муқобиллик, рақобат бўлмаса, сифатга интилиш бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу борада таклиф тайёрлаш, клиникаларни бирламчи бўғин ва тиббий суғурта тизими билан уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шифохонада 130 та иш ўрни яратилган. Малакали мутахассислар тайёрлаш учун шу ернинг ўзида клиник ординатура йўлга қўйилган.

Президентимиз бунга алоҳида аҳамият қаратиб, талаба ва шифокорларнинг малакасини ошириш, хорижлик мутахассислар билан телемедицинани кенгайтириш муҳимлигини қайд этди.

Айтиш жоизки, нотўғри овқатланиш оқибатида қашқадарёликлар орасида юрак қон-томир хасталиклари кўп учрайди. Янги клиника ва унинг қошидаги марказ ушбу касалликларни эрта аниқлаб ташхис қўйиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур марказ томонидан мобиль диагностика машиналари йўлга қўйилган бўлиб, чекка ҳудудлардаги аҳолига УТТ, МСКТ, ЭКГ каби тиббий хизматларни кўрсатади.

Президент Шавкат Мирзиёев Яқкабўғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини оширишга қаратилган мазкур массив илғор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилган. Кўп қаватли уй-жойлар кўркамлиги, тартиблилиги ва ободлиги билан туман қиёфасини ўзгартириб юборди. 18 гектар майдонни эгаллаган массивда 54 та беш қаватли уйлар қурилиб, 1 минг 400 та хонадон аҳолига тақдим этилади.

Иншоотлар нафақат замонавий архитектураси, балки аҳоли учун яратилган инфратузилманинг қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир уй замонавий коммуникация тармоқлари, атрофи эса, болалар майдончалари ва автотураргоҳлар билан таъминланган.

Шу билан бирга, ҳудудда уч қаватли “Эко бозор” барпо этилган. У орқали маҳаллий деҳқонлар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиш имконига эга. Бу эса, ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу экобо-зорда яратилган шароитларни кўздан кечирди, сотувчи ва харидорлар билан мулоқот қилди.

(Давоми 2-бетда) ►



фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон, шу жумладан, жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатлари белгилангани бунинг яққол тасдиғидир.



Покиза АҲМЕДЖАНОВА
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси

бузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бир нечта моддаларида жавобгарлик белгиланганлиги ҳам — бор гап.

(Давоми 3-бетда) ►



Маълумки, Янги Ўзбекистонда кечаётган ҳозирги шиддатли ислохотлар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар, жумладан, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истағида бўлган фуқаролар ҳимоясини кучайтиришга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга, айрим қонун ҳужжатларидаги номувофиқликни бартараф этишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти

МИГРАЦИЯ СОҲАСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Мажлисида миграция лойиҳаси иккинчи ўқишда жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун

(Давоми 2-бетда) ►

■ Таклиф

ИҚРОРЛИК ҚЎЛИШУВИ

Фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг жисмоний дахлсизлиги ва соғлигини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардандир.

Бундан ташқари, қонун билан таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларида қўйилган талабларни қатъий амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда жиноятчи оидил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Адолатли жазо тайинлаши ундан кўзланган мақ-

● Тарих тилсимлари

Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан?

(«Кўз ёши томган ҳикоялар» туркумидан)

Ҳурматли газетхон! Маълумки, собиқ шўро даврида халқимиз кўплаб фожиалар, адолатсизлик ва ноҳақликларни бошидан ўтказди. Айниқса, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бошланган шафқатсиз қатағон бўҳрони халқимизнинг кўплаб асл фарзандларини ўз домига тортиб кетди. Улардан бири — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ўша даврда ноҳақ айбланиб, умрининг бир неча йилини қамоқда ўтказган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларни бошидан кечирган.

Кейинчалик ёзувчи бошига тушган бу кулфатларни ўз асарларида изтироб билан баён қилди.

Саид АҲМАД, Ўзбекистон Қаҳрамони

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Конунчиликдаги янгиликлар

◄(Бошланиши 1-бетда)

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида миграция соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди, ушбу соҳадаги республика ихро этувчи ҳоқимият органлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахслардан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишга жойлаштириш бўйича қўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш берувчидан ёки буюртмачидан ундириш тартиби бекор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахслардан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш бўйича тақиқ олиб ташланмоқда.

Шунингдек, Миграция агентлигида хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилмоқда.

ЗАРАР ЎРНИНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мажлисда давлат органи ёки унинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёҳуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Бугунги кунда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарарлар ва маънавий зиёнларни қоплаш ягона қонун ҳужжати билан тартибга солинмасдан келинаётган эди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация

Бундан ташқари хусусий бандлик агентликларида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларига ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамтнинг устувор йўналишлари жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилиниши лозим бўлган маблағлар миқдорини камайтириш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, миграция соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда ушбу соҳага хусусий секторни янада кенгроқ жалб қилишга ҳамда қўрсатилган хизматларни рақамлаштиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор, деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибда ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси фуқароларнинг давлат органлари ёҳуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши тўғрисидаги конституцийвий ҳуқуқларини таъминлашга ҳамда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга қаратилган.

Қизгин баҳс ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



Шунингдек, мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, айрим хорижий давлатларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жарама жазоларидан ташқари “оғзаки огоҳлантириш” ва “огоҳлантириш” жазоси жо-

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАЁТГАН ҲУДУД

◄(Бошланиши 1-бетда)

— Бозорлар тўкинлик, фаровонлик ва халқнинг маданиятини кўрсатади. Яккабоғда шундай обод маскан бунёд этилгани қувонарли. Халқимизнинг харид қобилияти, бозор маданияти ошяпти. Шунга муносиб бундай қулай савдо марказларини кўпайтириш керак, — деди Президент.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати, массивдаги инфратузилма иншоотларига қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар ўрнатилган. Бу эса энергия тежамкорлиги ва узлуксизлиги, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳолининг дам олиши, болалар ва ёшларнинг фаол вақт ўтказиши учун ҳам қулайликлар яратилган. Хусусан, сайилгоҳлар, болалар боғчаси, спорт майдонлари, соғломлаштириш масканлари ҳамда сервис нуқталари ягона концепция асосида барпо қилинган.

Мутасаддиларга шу концепция асосида бошқа туман марказлари ва массивларни ҳам ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ён бағридаги сайёҳлик салоҳияти билан танишди.

Туризм кам маблағ билан кўп иш ўрни яратадиган, аҳоли даромади ва ҳудудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Қашқадарёда ҳам бу борада имкониятлар кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг маокалиси экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоч ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қулайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга оширилаёттир. Бунинг натижасида эса 1 минг 700 та доимий иш ўрни очилади.

Бугун Миракидаги ўзгаришлар мазкур қарор ва туризм бўйича ўтказилган йўғилишлар натижаси.

Илгари бу сўлим жойлардан ҳар ким ўз билганича фойдаланар эди.

Сой бўйлари бетартиб, оромгоҳларда инфратузилма етишмасди. Бугун бу манзил яхлит туризм кластерига — “Мираки” халқаро туризм марказига айланди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ободлик ва қулайликларни кўздан кечирди. Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ташкил этилган. Болалар майдончаси, кўнгилочар боғ, нуронийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўча савдо шохобчалари маҳалла кўркини оширган.

“Miraki and spa resort” дам олиш ҳудуди туризм марказининг замонавий қисми. Бу ерда иккита меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар мажмуа барпо қилинган. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида 600 нафар сайёҳни қабул қилувчи меҳмонхоналар, 300 ўринли оилавий хостел очилган. Бу йилига 300 мингдан ортиқ меҳмонга хизмат кўрсатилишини англатади.

Давлатимиз раҳбари янги меҳмонхона ва савдо мажмуаси фаолияти билан танишди. Сайёҳлик бўйича истиқболдаги муҳим лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

— Шаҳрисабзнинг устун тарафи — йил давомида саёҳатга келиш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қураямиз. Энди хизмат турларини кўпайтиришни ўйлаш керак. Масалан, Миракига келган меҳмон вақтини қандай ўтказади, нималар харид қилади? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар тақлиф қилиш, бу ернинг табияти ва шароитини чет элларда кенг тарғиб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги сайёҳлик марказига инвесторларни жалб этиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилган. Миракига элтувчи ва маҳалла ичидаги йўллар тақаммал таъмирланган. Электр таъминоти яхшилانган. Сайёҳларни қизиқтириш учун Ҳисорак сув омборига туташ ҳудудда икки километрдан ортиқ дор йўли ва денгиз сатҳидан 2 минг 700 метр баландликда ресторан ҳам барпо этилган.

Бундай кенг қулайликлар Қашқадарёга келувчи сайёҳлар сонини оширмоқда. Ўтган йили вилоятга икки ярим миллион нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Шундан беш юз минг нафарга яқини айнан

Шаҳрисабз туманига келган. Ҳудуддаги бу ўзгаришлардан кейин келтирилган рақам бир неча баробар ўсиши табиий.

Президент Шавкат Мирзиёев Шаҳрисабз туманидаги Ҳисорак сув омбори яқинида барпо этилган Ҳисорак кичик гидроэлектрстанциясини кўздан кечирди.

Ҳисорак сув омбори 1987 йилда қурилган бўлиб, 2004 йилда капитал реконструкция қилинган. Ҳудудда 2011 йилда ишга туширилган қуввати 45 МВт бўлган асосий Ҳисорак ГЭС ҳам мавжуд бўлиб, йилига 80 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса ўртача ҳисобда 33 минг хонадоннинг йиллик электр энергияси эҳтиёжини қоплайди.

Мамлакатимизда экологик тоза, арзон ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ҳамда мавжуд қувватларни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан кичик ва микро ГЭСлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Шаҳрисабз туманида энергетик қуввати 3,5 МВтга тенг, йилига ўртача 17,5 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи Ҳисорак кичик ГЭСи шулар жумласидан. Унинг қўрилиши тўлиқ маҳаллийлаштириш доирасида амалга оширилди. Лойиҳанинг қиймати 1,5 миллион долларни ташкил этади. ГЭС фаолияти натижасида йилига ўртача 5 миллион метр куб табиий газ тежалади. Бу ерда ишлаб чиқариладиган электр энергия 7 минг 300 та хонадонга етади.

Давлатимиз раҳбарига дарё сувида энергия олиш бўйича келгуси режалар ҳақида ахборот берилди.

Энг муҳим лойиҳалардан бири — келгуси икки йил ичида умумий қуввати 12 МВт бўлган 416 та кинетик турбинали микро ГЭС қуриш режасидир. Бу микро ГЭСлар ариқ ва каналлардаги сув оқимидан самарали энергия ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирда вилоятда умумий қуввати 49 МВт бўлган 3 та ГЭС фаолият юритмоқда. Истиқболдаги лойиҳалар туфайли бу кўрсаткич сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Гидроэнергетика орқали вилоятда аҳоли электр энергияси истеъмолининг 15 фоизини

қоплаш мақсад қилинган.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йил ичида электр энергияси ишлаб чиқариш 38 фоизга ошиб, 81,5 миллиард кВт/соатга етди. Жорий йилда республика бўйлаб умумий қуввати 24,7 МВт бўлган 5 та янги кичик ГЭС фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Италия, Франциянинг ландшафтли боғлари, қирдаги тоқзорлари дунёга машҳур. Уларни бориб кўришга иштиёқмандлар кўп. Энди шундай кўркем маскан Шаҳрисабзда ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида ушбу агротуризм мажмуасини бориб кўрди.

Илгари бу жойлар қуруқ қириб бўлган. Томчилатиб сўғориш йўлга қўйилгани натижасида ҳудуд яшилликка бурканди. Мажмуа 520 гектардан иборат бўлиб, адирлик қисмида “терраса” усулида узум, гилос ва олма экилган ҳамда ўрмон барпо этилган. Франциядан энг сара навлар олиб келинган.

— Чўл-адирларни ўзлаштиришимизга шубҳа қилганлар шу боғни келиб кўрсин, — деди Президент.

7,5 минг тонна маҳсулот етиштириш имкониятига эга мажмуанинг экспорт қуввати 5 миллион долларга тенг. 100 та доимий ва мингдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Кўчатлар ривожини франциялик мутахассис кузатиб боради, ёшларга деҳқончилик сирлари ва бозор талабларини ўргатади.

Ҳудудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агрологистика ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари қурилмоқда.

Мутасаддилар бундай боғларни кенгайтириш, бошқа тоғли туманларда ҳам ташкил этиш режалари ҳақида айтди. Давлатимиз раҳбари сўғоришни ташкил этиб, боғларни аҳолига бўлиб бериш, одамларга даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятга ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбирлари

■Жиноят ва жазо

Ушалмаган

корхоналарга ишга жўнатиш билан машғул эканлигини айтади. Бунинг устига у ўзининг яқин танишига кўрсатилажак “хизмат” ҳақини 2 минг 200 АҚШ долларни миқдориди белгилайди. Омадни қаранг: ушбу маблағнинг 1 минг 800 АҚШ долларни орадан бир неча кун ўтмаёқ Б.Иброҳимовнинг чўнтагидан жой олди.

Ўз навбатида, чўнтаги томон оқиб кела бошлаган пуллар Б.Иброҳимовни янада дадилликка ундади. Ўзини хориждаги меҳнат масканларига ишчи кучларини тўхтовсиз жўнатаётган валломот шахс сифатида намоён этишга астойдил интилди. Узоқ Норвегиядаги даромадли ишнинг дарагини эшитган хивалик Ойбек Мирзаев ҳам Б.Иброҳимов томонидан “хизмат ҳақи” сифатида сўралган 2 минг 200 АҚШ долларини дарров унинг қўлига тутқазади.

Тумanning Қиёт маҳалласида яшовчи Д.Отаназаров эса, насия ваъданинг янада зўри ва каттасидан “баҳраманд” бўлади. Канада давлатига ишга жўнатиш учун бу фарибгар кимса томонидан белгиланган “бемин-

нат хизмат”нинг миқдори 10 минг АҚШ долларига чиқади. Д.Отаназаров йўл-йўлакайига тўлаш асносида бу пулнинг 2 минг 800 долларини унинг қўлига тутқазади.

Бундан ташқари фарибгар кимсанинг алдовларига кўр-кўрона ишониш хивалик бошқа бир фуқаро Улугбек Жуманиёзовга бир эмас, бир неча марта панд берди. Аниқроқ айтсак, Б.Иброҳимов аввалига унинг ўзини чув туширди. Ишлаш учун яқин 3 ой ичида Норвегия давлатига жўнатиш шарти билан 1 минг 500 АҚШ долларни миқдориди маблағини қўлга киритди. Кейинчалик эса У.Жуманиёзовнинг қариндоши Д.Умаржонов, С.Юнусов, М.Қурбоновларни ҳам унинг воситачилигидан фойдаланган ҳолда устамонлик билан алдади. Уларнинг ҳар биридан алдов йўли билан Норвегиядаги сердаромад меҳнатни “кафолатлаган” ҳолда 1 минг 500 АҚШ долларини ундирди.

Дунёнинг Норвегия, Англия, Канада сингари тараққий этган мамлакатларда меҳнат қилиб, мўмай даромад топишни ким ҳам истамайди, дейсиз?

Мамлакатимизда жамият тараққиёти, турмуш фаровонлиги, ошларар мустақамланини таъминлашнинг муҳим асоси саналган аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, бу борада ҳуқуқий асосларни изчил такомиллаштириш орқали янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёз ва қулайликлар жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо ана шундай эзгу мақсаддан айрим ғаразли ниятли кимсалар ўзларининг чиркин мақсади йўлида фойдаланишга уринаётгани ўта афсусланарлидир.

Жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди томонидан шундай кимсалардан бирининг қилмишларига қонуний баҳо берилди.

Судга тақдим этилган факт ва далилларга қараганда, ҳатто одам етти ухлаб тушига қирмайдиган бу жиноий қилмишлар эндигона мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган Бобур Иброҳимов (2000 йил Хива туманида туғилган.Тумanning “Қиёт” да туғилганда яшайди) томонидан содир қилинган. 2022 йилнинг сентябридан 2023 йил март ойигача ўтган давр мобайнида жами 18 нафар фуқаро унинг фариб турига илинган. Бу жараёнда “ғаройиб” воқеалар рўй берган. Б.Иброҳимовнинг аслида йўқ

“ҳолваси”ни кўрмаёқ кўпгина соддадил кишиларнинг “оғзи чучиган”. Бундан ҳам афсусланарлиси шундаки, ўзини ҳар қандай ишга қодир санаган валломот “ҳожатбарор”нинг аслида кимлигини сўраб-суриштириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Маълумки, мамлакатимиз фуқароларининг хорижда меҳнат фаолиятини юриштириш амалдаги қонун ва тартиб-таомиллар асосида ваколатли идоралар тарафидан амалга оширилади. Албатта, бу борадаги қонунчиликка риоя этган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Буни Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича фаолият юритувчи агентлик билан ҳамкорлик қилаётган фуқароларнинг хориждаги иш фаолияти ҳам яққол тасдиқлайди.

...Б.Иброҳимов одамларга хорижда ишлашни ваъда қилар экан, “осилсанг, баланд дорга осил” қабилида иш тутди, узоқ Европа мамлакатларини мўлжалга олди. Ўзини ана шу юртларга ишчи кучи етказиб беришга қобил-у қодир валломот шахс сифатида намоён этишга уринди. Тузоғига тушганларнинг ишончини қозониш учун турфа сохта амаллар,

хийла-найранг ва сўнгсиз ваъдаларни ишга солишдан тап тортмади. Шу аснода унинг йўлида хивалик Қамбар Исмоилов пайдо бўлди. Б.Иброҳимовнинг фуқароларни миграция меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шартнома асосида чет элларга жўнатиш билан беъсита боғлиқ “хизмат ва зифаси” Қ.Исмоилов учун айна мударра бўлди. У Б.Иброҳимовнинг бу борадаги сўзю ваъдаси, баён этган “ишончли далил”ларига чиппа-чин ишонди. Унинг асли ва наслини суриштиришдан эса ўзини тийди. “Осмондан тушган ҳожатбарор” йигитнинг этагидан тутган қўйи фарзандлари К.Аҳмедов ва И.Аҳмедовни узоқ Европанинг Скандинавия ярим оролидаги Норвегия давлатига ишга йўллаш учун сўралган 5 минг 100 АҚШ. долларини ҳаялламаган ҳолда унинг қўлига тутқади. Айна шундай мазмундаги ваъдадан сал фурсат ўтмаёқ хивалик яна бир фуқаро Бахтиёр Ражабовнинг ҳам дили ёришди. Б.Иброҳимов унга талабгор фуқаролар, биринчи галда эса, яқин танишларини Европа давлатлари, хусусан, Норвегиядаги сердаромад

корхоналарга ишга жўнатиш билан машғул эканлигини айтади. Бунинг устига у ўзининг яқин танишига кўрсатилажак “хизмат” ҳақини 2 минг 200 АҚШ долларни миқдориди белгилайди. Омадни қаранг: ушбу маблағнинг 1 минг 800 АҚШ долларни орадан бир неча кун ўтмаёқ Б.Иброҳимовнинг чўнтагидан жой олди.

Ўз навбатида, чўнтаги томон оқиб кела бошлаган пуллар Б.Иброҳимовни янада дадилликка ундади. Ўзини хориждаги меҳнат масканларига ишчи кучларини тўхтовсиз жўнатаётган валломот шахс сифатида намоён этишга астойдил интилди. Узоқ Норвегиядаги даромадли ишнинг дарагини эшитган хивалик Ойбек Мирзаев ҳам Б.Иброҳимов томонидан “хизмат ҳақи” сифатида сўралган 2 минг 200 АҚШ долларини дарров унинг қўлига тутқазади.

Тумanning Қиёт маҳалласида яшовчи Д.Отаназаров эса, насия ваъданинг янада зўри ва каттасидан “баҳраманд” бўлади. Канада давлатига ишга жўнатиш учун бу фарибгар кимса томонидан белгиланган “бемин-

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар айрим жазо чораларини қилмишининг хусусиятига, жазолашдан кўзланган мақсадга эришиш учун етарлилигига қараб қайта кўриб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Шу боис ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик конституциявий принципига амал қилиниши-ни таъминлаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.


Бу ўринда Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялли мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун ҳақида сўз бормоқда.

Ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга айрим ҳуқуқбузарликлар учун қилмишининг хусусиятидан, жазолашдан кўзланган мақсадга эришиш, етарлилик нўқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, маъмурий жавобгарликни бекор қилишга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, маъмурий ҳуққбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутил-

■ Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН



фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган

моқда. Шу муносабат билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги айрим тоифадаги ишлар фақат жабрланувчининг аризасига кўра, юритилиши белгиланмоқда.

Шу ўринда ушбу янги қонуннинг мазмун-моҳиятига мухтасар тўхталамиз.

Биринчидан, ҳуқуқбузарликлар бўйича охирги 5 йиллик статистик кўрсаткичлардан келиб чиқиб, айрим қилмишларни декриминализация қилиш ёки жазо турини (миқдорини) ўзгартириш кўзда тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қуйидаги, яъни:

— зарарли моддалар ва қоршмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик;

— транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш;

— рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш;

— автомат телефонларни шикастлантириш;

— товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик каби қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, айнаи бир қилмиш (*тамаки маҳсулотини белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш*) учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли моддаларида назарда тутилган жавобгарлик алоҳида 56¹-моддада акс эттирилмоқда.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасидаги ваколатлари тугатилганлиги сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жарима-

қилиниши лозимлиги тўғрисида қўшимча киритилмоқда.

Мазкур ўзгартишлардан ҳамда Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастуридан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бошқа моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу янги қонунни ишлаб чиқишда Озарбайжон, Россия Федерацияси, Беларусь, Буюк Британия, Германия, Франция каби давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилди ҳамда инобатга олинди.

Шундай қилиб, айнаи қонуннинг қабул қилиниши:

● Конституциямизнинг 29-моддаси қоидалари амалда рўёбга чиқарилишига;

● фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, шунингдек, инсон шахсий ҳаётига асоссиз аралашувнинг олдини олишга;

● маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли жабрланувчининг бузиладиган ҳуқуқларини тиклашга;

● ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблиқ принципига амал қилинишини таъминлашга;

● фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга;

● масуъл давлат органлари иш юкламасининг камайишига, фуқаролар ўртасидаги айрим келишмовчиликлар судга қадар ҳал этилишига;

● ҳуқуқий таъсир чораларини асоссиз қўлланилишининг олдини олишга хизмат қилаландувчининг аризаси

Мухтасар айтганда, суд амалиётидан ҳамда содир этилган жинояти учун жазоланиши керак деб топилган судланувчига реал ва адолатли жазо тайинлаш принципларидан келиб чиқиб, айбга иқrorлик келишувини рад қилиш асослари назарда тутилган Жиноят процессуал кодексининг 586¹-моддаси 3-қисмини келишувни рад қилишга асос сифатида, “қасддан содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун жазо ўтаётган ва судланганлик ҳолати тугалланмаганлар”га ҳамда “ўта хавфли рецидивистлар”га нисбатан таътиб этилмаслиги ҳақидаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди раиси

■ Таклиф

◄(Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, 2021 йил 18 февралдаги қонун билан Жиноят процессуал кодексига янги 62¹-боб, яъни айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув институти киритилди. Унга мувофик:

• жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилнувчи ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан, назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича келишув тузилади;

• Жиноят кодексининг 57²-моддасига асосан, содир этилган жиноят учун ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назар-

ИҚRORЛИК КЕЛИШУВИ

да тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган муддат ёки миқдорда жазо тайинланади.

Шу ўринда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳат: айбига иқrorлик тўғрисидаги келишув фақат икки асосга кўра, яъни Жиноят процессуал кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса ва шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ушбу моддада белгиланган талабларга тўғри келмаса, тузилиши мумкин эмас.

Бу эса, оғир жиноят учун жазо ўта-

ётган маҳкумлар, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар, шунингдек, оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган шахслар билан ҳам айбга иқrorлик келишувни тузиш истисно қилинмаслигидан далолат беради.

Бундай шахслар билан айбга иқrorлик келишувни тузилиши ва уларга Жиноят кодексининг 57²-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноят учун ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган муддат ёки миқдорда жазо тайинланиши адолатли, деб бўлмайди.

тутқазган фуқарони ташвишлар гирдобига ташлаган. Аммо Б.Иброҳимов унинг эътирозини парвойига илмаган. Узоқ Норвегия корхоналарида бўш иш ўринлари қолмаганини рўқач қилиш ва хоҳласа, Англия давлатига юбориши мумкинлигини таъкидлашдан нарига ўтмаган. Шунингдек, О.Мирзаев, Б.Абдушарипов, Д.Рўзимбетев, С.Юнусов ва М.Қурбонова, У.Жуманиёзов, Б.Мадрахимов, Ш.Ҳасановлар ҳам айнан шундай баҳоналарга дуч келишган. Бироқ уларга на Норвегия, на Англия, на Канадага бориб ишлаб насиб этган, ҳатто улар Б.Иброҳимовга берган пулларини ҳам қайтариб олишолмаган.

Судда фуқаровий даъвогарларнинг айтишича, Б.Иброҳимов аввалига қуюқ ваъда бериб, барчани ишонтирган. Аммо унинг ўзи белгиланган 2-3 ойлик муддат ўтгач, ўзини пана-пасткамга урган. Ўзини телефон орқали излаб топган омадсиз миджозларга эса, гоҳ Тошкент, гоҳ Россияда эканлиги, сал фурсат ичида қайтиб бориб хорижга ишга жўнатиши ҳақида яна қуюқ ваъда берган. Кейинчалик эса, у телефон кўнгиروقларига умуман жавоб бермай қўйган.

Б.Иброҳимов судда ўз айбига тўлиқ иқrorлик билдирди. Қилмишидан қаттиқ

пушаймон эканлигини айтди. Шунингдек, у бир қатор фуқаролардан фириб ва алдов йўли билан ўзлаштирилган маблағнинг муайян қисмини суд ва тергов жараёнида эгаларига қайтарганини таъкидлаб, ўзига нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Албатта, суд айбланувчининг айбига иқrorлиги, қилмишидан пушаймонлиги боис жазони енгиллатувчи омилларга эътибор қаратди: унинг ҳали ёшлиги, яқиндагина оила қургани, муқаддам судланмагани, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарарни, қисман бўлса-да, қоплаганини инобатга олди. Шу билан бирга, содир қилнган жинойй қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унга нисбатан мавжуд бўлган фуқаровий даъво талабларини ҳам назарда тутди. Айнаи пайтда Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми ва 25,168-моддаси 3-қисми бўйича қўйилган айбларни асосли, деб топди. Судланувчига Жиноят кодексининг айбни енгиллатувчи 57-моддаси талабалари асосида жазо тайинланди.

Судланувчи 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Фуқаровий даъвогарларга етказилган моддий зарар қисман қоплангани инобатга олинди. Шу билан давомли жинойй қилмишга қонуний

■ Шарҳ

Адолатли судлов

ёки суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институтининг афзалликлари

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бу борада мустақил суд ҳокимияти зиммасига юклатилган қонун устуворлиги ва одил судловга эришиш, адолатни юзага чиқариш, шунинг асосида фуқаролар, тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда яғона суд амалиётини шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан. Зеро, суд амалиётини бирхиллаштириш қонунларни аниқ ҳамда тўғри қўллашга хизмат қилади.

Ҳеч кимга сир эмас, адолатли судлов фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг асосий кафолатидир. Шу билан бирга, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари, истисно тариқасида, фақат қатъий асослар мавжуд бўлгандагина қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай асослардан бири — янги очилган ҳолатлардир.

Бундай ҳолат суд қарори чиқарилган пайтда мавжуд бўлиб, бироқ аризачига номалум бўлган ва унга маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаган фактларни англатади. Ушбу институтнинг қонуний асоси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 29-боби ҳамда Олий суд Пленумининг шу

йил 29 апрелдаги 9-сонли қарорида белгилаб қўйилди. Янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатини қайта кўриш институтининг моҳияти шундаки, у чиқарилган суд ҳужжатини бевосита қонунийлиги ёки асослилигини текширишнигина эмас, балки суднинг ҳулосаларига таъсир этувчи янги фактларни таҳлил қилиш орқали низо-ни қайта баҳолашни ҳам назарда тутadi. Шу боис ушбу институтнинг қўлланилиши учун белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш, хусу-

сан, ариза мазмуни, шакли, тақдим этиш муддати ва асослари ҳуқуқий меъёрларга мос бўлиши лозим. Пленум қарорида ариза фақат ишда иштирок этган томонлар, уларнинг вакиллари, прокурор ёки давлат органлари томонидан берилиши мумкинлиги аниқ кўрсатиб ўтилган. Бунда ариза бидан ундириладиган бўлди.

Бу ҳақда ўйлаганда, кишини бир ҳолат таажжубга солмай қолмайди: Б.Иброҳимовнинг алдовига ишонган фуқароларнинг лоақал биронтаси ҳаммани адоқсиз ваъдалар билан алдаётган, “чув” тушираётган бу кимсанинг аслида ким эканлиги, қайси маҳкамга мансублиги, ҳуқуқий ваколати, унинг кўмагида муқаддам кимлар ишга ёлланганини сўраб-суриштирмаган. Оқибатда эса, фирибгарнинг тузоғига осонгина илинишган.

Бундан кўринадики, огоҳлик, хушёрлик ва эътиборсизлик йўқолган жойда турли хил иллатлар, хусусан, юқорида баён этилгани каби қилмишлар рўй беради.

Демак, ҳаётга очиқ кўз билан қараш, ҳаммша хушёр ва огоҳ бўлиш, ҳар бир ишга қонун талабидан келиб чиқиб ёндашиш тинч ва осойишта турмуш тарзимизнинг муҳим кафолати эканини доимо ёдда тутайлик. **Жамол ЖУМАНИЁЗОВ,**
жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч – адолатда” мухбири

ларда янги очилган ҳолат умуман қайд этилмайди, балки суд ҳулосаси нотўғри баҳолангани, далиллар нотўғри талқин этилгани ёки суд нотўғри қарор чиқаргани ҳақида умумий важлар келтирилади. Бундай ҳолатлар эса, ушбу институт моҳиятига зид саналади. Ваҳоланки, уларни кўриб чиқиш апелляция ёки кассация тартибидеа амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда ариза бериш муддатига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки Пленум қарорида ариза, янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан, бир ой муддат ичида тақдим этилиши кераклиги қайд этилган. Ушбу муддат ўтказиб юборилган тақдирда, фақат узрли сабабларга кўра ва бу ҳақда илтимоснома илова қилинган ҳолдагина муддат тикланиши мумкин.

Бироқ суд амалиётида аксарият ҳолларда аризачилар белгиланган муддатларга риоя этмаслигини кўриш мумкин. Бунинг устига кўпинча аризага илтимоснома илова қилинмайди ва оқибатда судлар аризани қаноатлантириш ўрнига қайтаришга мажбур бўлади.

Шунингдек, баъзан ишда иштирок этмаган, лекин суд қароридан манфаатдор деб ҳисоблаган шахслар ҳам янги очилган ҳолатлар асосида ариза билан мурожаат қилмоқда. Бу эса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қоидаларига зид бўлиб, фақат ишда иштирок этган шахслар бундай ариза бериш ҳуқуқига эга. Ишда қатнашмаган шахслар эса, фақат оқори инстанция судига шикоят бериш йўли билан ўз манфаатини ҳимоя қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар асосида қайта кўриш институти судларда ишларни мазмунан муҳокама қилишда адолатини тиклашга хизмат қилувчи муҳим восита эканлигини амалда яққол кўрсатмоқда. Бироқ суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар асосида қайта кўриш институтдан нотўғри фойдаланиш ёки уни нотўғри талқин қилиш суд амалиётида турли чалкашликларга сабаб бўлиши, суд ҳужжатлари барқарорлигига путур етказиши мумкин.

Шундай экан, ушбу институтни қўллашда судлар ниҳоятда эътиборли бўлиши талаб этилади. Айниқса, аризаларни шакл, мазмун, муддат ва асослар нўқтаи назаридан синчковлик билан кўриб чиқиб, уларда янги очилган ҳолатлар мавжудлиги бўйича қатъий юридик таҳлил юритиш лозим. Судларнинг бу борада изчил ёндашуви, аризачиларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлиши ҳамда суд амалиётининг умумлаштириб борилиши шак-шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар асосида қайта кўриш институти судлов барқарорлигини сақлаган ҳолда, адолатни тиклаш ва одил судловни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим механизм бўлиб қолади.

Давлат БОБОНОРОВ,
Навоий вилояти маъмурий суди судьяси

орзу

ёки фирибгарликнинг яна бир антиқа усули ҳақида

Б.Иброҳимовнинг бу юртларга ишчи кучларини ҳаялламай, узоғи билан 2-3 ой ичида жўнатишга қаратилган “жўшқин” фаолияти” шундай ниятда юрган кишиларнинг юрагини баттар жунбўшга солди.

Бу фирибгар кимсани излаб келувчилар, телефон, ҳатто интернет алоқа тизими орқали мурожаат қилувчилар сони ортиб боради. Бунинг оқибатида Б.Абдушарипов, Д.Рўзимбетов, Ш.Ҳасанов, И.Қобулов, М.Рўзиматовларнинг ҳар биридан 1 минг 500, Д.Олпоберганов ва К.Мадримовлардан жами 4 минг, Р.Абдиезов ва Р.Отажоновнинг ҳар биридан 1 минг, Б.Мадрахимовдан 3 минг, Марат Сафоевдан эса 700 АҚШ доллари миқдоридagi маблағни алдов йўли билан қўлга киритади.

Албатта, фирибгар бу кимса пулларнинг барини нақдинасига санаб олади. Аммо ваъдаси насия бўлади. Бошқача айтганда, ўзининг мисқоллаб ййққан маблағини Б.Иброҳимовга қўшқўллаб

●*Тарих тилсимлари*

Тақдир, тақдир, мунча ШАФҚАТСИЗСАН?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Собиқ шўро даврида халқимиз бошига тушган оғир фожиалар, эрксизлик, ҳақсизлик ва адолатсизликларни чуқур таҳлил этиб, оқилона хулоса чиқарсак, муқаддас неъмат — Ватанимиз мустақиллиги нечоғлик бебаҳо эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Куйида халқимизнинг атоқли ёзувчиси Саид Аҳмаднинг “Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан?” ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

* * *

Сталин ўлган, Берия отилган, маҳбусларга муносабат бир қадар юмшаган пайтлар. Август ойида лагеримизга республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал Жаҳилиқ Степанов келиб, маҳбуслар билан суҳбатлашди. Қамоқ ичидаги қамоқ, яъни кечаси маҳбуслар устидан қулфлаб қўйилган бараклар деразаларидан темир панжаралар яқин кунларда олиб ташланишини айтди. У етказган хушxabардан қувонган маҳбуслар қарсак чалиб, миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

— Яхши кунларни кутинглар. Ҳаммангизнинг тергов материалларингиз иттифоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилипти. Улар биздан ҳар бирингиз тўғрингизда фикр сўрашадди. Ҳозир юздан ортқч одам сизларга характеристика ёзиш билан банд. Илтимос, тартиб-қондани бузманглари. Ўзини яхши, интизомли тутганлар вақтлроқ эркинликка чиқадилар. Ҳар ким ўз мутахассислиги бўйича иш кўрсатиши керак.

Норқобил деган маҳбус ўрнидан туриб, кўлини кўтарди. У, асли, термизлик бўлиб, Амударё портида қайиқчи бўлиб ишлаган. Вазифаси — кемада келган юкларнинг Афғонистонга тегishлисини қайикда нариги қирғоққа ўтказиб топшириш. У жосусликда айбланиб, ўн беш йил муддатга ҳукм қилинган. Яъни айби — дарёнинг нариёғида афғон савдогаридан бир костюм билан туфли сотиб олгани. Чет эллик шубҳали одам билан алоқада бўлгансан, деб айбланган эди. Ҳозир у қирқ ёшдан ошган. Ҳамон муддат устига муддат олади. Йигирма йиллик қамоқ уни

профессионал маҳбусга айлантирган. У жосус сўзига кўникиб кетган. Ўзини чинакам жосус бўлсам керак, деб ўйларди. Ва бунга ишонарди. Норқобил, асосан, лагер тарбиясини олган. Озодлик, эркинлик, деган сўзлар энди унинг учун ўз маъносини йўқотган эди. У бутунлай «лагер ўғли» бўлиб кетган.

— Гражданин генерал, сиз ҳозир, ҳар бирингиз ўз мутахассислигининг ишга солиб хизмат қилинг, дедингиз. Менга топшириқ беринг, ўз мутахассислигим соҳасида ўзимни оқлай.

Генерал Степанов унинг сўзларини эшитиб, қизиқиб сўради:

— Мутахассислигингиз қандай? Албатта, фойдаланамиз.

— Шпионман, гражданин генерал. Топшириқ беринг, бажармасам...

Мингга яқин маҳбус қарсиллаб қулиб юборди. Генерал унинг чала-чулпа ўрисча гапларию сўкинишларидан завқланиб қуларди.

Эллик учинчи йилнинг киши жуда оғир келди. Ҳар куни шамол аралаш қор бўралайди. Ёнингда турган одамни ҳам кўролмайсан.

Бундай пайтларда соқчилар сони кўпайтирилади.

Қор тинган пайтларда туман босади. Лагер деворларидаги кучли прожекторлар зона ичини ёритиш у ёқда турсин, прожекторнинг ўзи қоғозга томган ёғдек аранг кўринади. Тумандан адашиб қолган маҳбуслар йўл тополмай, тиканли симлар билан тўсилган девор ёнига бориб қолишар, симга тегиб кетганда тревога занги ўзидан ўзи чалиниб, лагер бўйлаб узоқ вақт жаранглаб туради. Девор бурчидаги вишқада соқчилар автомадтан осмонга ўқ узадилар.

Маҳбуслар яшайдиган ўн бир баракдан то ошхонагача ўн битта темир арқон тортилади. Маҳбуслар ошхонага шу арқонни ушлаб борадилар. Агар арқондан қўллари чиқиб кетса, то туман тарқагунча йўл тополмай сарсон бўлиб юраверадилар.

Туман чоғлари маҳбуслар қочмасди. Қочганларнинг қанча-қанчаси чўлда музлаб қашқирю шоқолларга ем бўлишган.

Файзсиз бундай қиш оқшомларида юраги шундоғам ғамга тўлган маҳбуслар мурдадек қимирламай ўтираверадилар.

Ишга олиб чиқилган маҳбуслар то туман тарқамагунча олиб келинмасди. Кон олдидаги атрофи тиканли сим билан ўралган майдончада қорга кўмилиб, оч-наҳор ўтириб туман тарқашини кутардилар.

Маҳбуслар яшайдиган бараклар қанчалик ёритилмасин, одамлар кўксини ёритолмасди. Улар негадир қўшни уйда ўлик ётгандек бир-бирлари билан шивирлаб гаплашишарди.

Узоқ йиллар қамоқларда яшаганлар бу ҳолга кўникиб кетишган эди.

Барак деразаларидаги панжараларни олиб ташлашга, баракни қулфламасликка сўз берган ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал ваъдасини бажармади. Маҳбуслар кечқурун баракка келишлари билан назоратчилар уларни санаб, устларидан қулфлаб қўйишади. Ҳамма ҳолат ишлари шу ернинг ўзида бўлади.

Мен ўша пайтда «Маданий тарбия» бўлимида рассом эдим. Вазифам қайси бригада қанча руда қазиганини саҳаргача катта-катта шитларга ёзиб, зонанинг кўринарли жойига илиб қўйиш эди.

Совуқ шундоқ заптига олган декабр кечаси эди. Олтинчи баракда қий-чув бўлиб қолди. Маҳбусларнинг дод-войларини эшитиб, ўша томонга югурдим. Баракда ёнгин бўлаётган эди. Маҳбуслар этик билан тепиб, ойналарини синдирган деразалардан буралиб-буралиб қоп-қора тутун чиқарди. Ўт ичида қолганлар ёрдам сўраб қичқиришарди.

Қор қалин ёққан пайтларида маҳбусларга пийма (валенка — тагчарми йўқ намат этик) бериларди. Илашган қор баракка кирганда эриб, валенкалар жикқа ҳўл бўлиб кетарди. Маҳбуслар уларни қуритиш учун барак печи устига қатор териб қўярдилар. Ёнгин ана шу валенкалардан бошланган эди.

Назоратчи старшина Демянов ёнаётган баракка қараб, махорка тутатиб турарди.

— Эшикни очмайсизми? — дея унга зорландим.

— Ҳақим йўқ. Махсус буйруқ бўлмагунча очолмайман, — дея қатъий жавоб қилди у.

— Етмиш икки одам бўғилиб ўлади-ку! Нахотки, раҳмингиз келмаса? Бу ишингиз учун ҳали жавоб бера-

сиз, — дедим ғазаб билан.

— Мен буйруқни бажараман. Бу фашистлар қуйса, қуяверсин, ёнса, ёнаверсин. Баракдан етмиш икки-та калла билан бир юз қирқ тўртта оёқ топилса бўлгани. У ёғи билан, ўлик-тириги билан ишим йўқ.

Зона деворидаги соқчи бўлаётган воқеани кузатиб турган экан. Телефонда штабга хабар қилибди. Зудлик билан штаб навбатчиси етиб келди. Демяновга эшикларни оч деб буйруқ берди.

Дадажон ҳам шу баракда яшарди. У бир ярим ойдан бери тўшакка ётиб қолган, ҳассаса таяниб, аранг ошхонага бориб-келарди. Кўпинча хамюртлари унга овқатини келтириб берардилар.

Дадажонга нима бўлдийкин, деб ташвишлана бошладим.

Барак эшиги ўт ўчириш қоидаларига риоя қилинмай ўрнатилган эди. Эшиклар ичкарига очиларди. Бу баракни маҳбусларнинг ўзлари қургандилар. Прораб қанча тайинламасин, қулоқ солмагандилар. Ёнгин чиққанда, ё ер қимирлаган пайтда ичкаридагилар ўзларини эшикка урадилар. Шунда эшик ёпилиб қолиб, очишнинг иложи бўлмайди. Маҳбуслар баракда ўзлари учун ўзлари қолқон ясаган эдилар. Бир солдат лом олиб келиб эшикни бузди. Ичкаридан тутунда ҳолсизланганлар бири-бирини итариб ташқарига чиқа бошладилар, тўлиб оқаётган анҳор қирғоғи ўпирилгандай бўлди. Одамлар тинмай йўталишар, ўқчишарди. Улар орасида Дадажон кўринмасди. Деярли ҳамма маҳбуслар ташқарига чиқди. Дадажон йўқ. Назоратчи маҳбусларни бир-бир санади. Уларнинг сони етмиш битта эди.

— Дадажон йўқ, ичкарида қолиб кетибди, — дедим. Батарея чиқоқ ушлаган тўрт солдат газ ниқоб кийиб баракка, тутунлар орасига кириб кетди. Сал фурсатдан кейин ҳушидан кетган Дадажонни кўтариб чиқамиди. Қалин қор босган ерга ётқизишди. Шошиб бординму бушлат боғичини ечиб, кўкрагига қулоқ тутдим. Юраги урмасди. Лекин тани ҳали иссиқ эди. Билагини кўтариб, томирини ушлаб кўрдим. Ўттиз уч йил дуқуллаб муттасил уриб турган юрак энди уришдан тўхтаган эди. Унинг очик қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода қотиб қолганини билолмадим. Қабоқларини кафтим билан пастга қараб сидадим. Етдим, деганда йўқилган Дадажоннинг бу дунёга тўймаган, эркинлик йўлига интизор тикилган кўзлари энди бир умрга юмилди...

(Давоми кейинги сонда)

Ўқинг, бу кўнлик

Дунё адабиётида жиддий мавзуда ёзилган роман ва қиссалар, қизиқарли саргузаштлар билан бирга, неча минг йиллардан бери турли халқларга мансуб оғзаки ижод намуналари – латифалар, митти ҳажевиялар, ўткир саволларга муносиб жавоблар ҳам борки, улар ўзининг самимияти, холис ва ҳозиржавоблиги билан ўқувчи эътиборини ўзига тортади. Янада муҳими – қувноқ латифаларнинг аксарияти бевосита улар мансуб бўлган халқ ҳаётидан олинган бўлиб, ўқувчи кўз ўнгида дунё халқларининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат ва маиший ҳаёти, зукколиги ва топқирлиги, қай йўсинда фикрлаш тарзигача яққол намоён бўлади. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб “Жаҳон қулади” рукни остида эълон қилинаётган хандалар муҳтарам газетхонларга манзур бўлади, деган умид-дамиз.

Хандалар олами

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Нью-Йоркдаги “Гилд” театрида Бернард Шоунинг “Муқаддас Иоанна” спектакли зўр муваффақият билан намоиш этила бошлайди. Аммо... орадан бироз вақт ўтгач, спектаклга жуда ҳам оз томошабин келадиган бўлиб қолади. Бунинг сабаби, спектакль метро ёпилишидан ўн дақиқа кейин тугайди. Театр маъмурияти бирор чора кўриш учун асар муаллифига телеграмма жўнатади. Жавоб ўша кунидеъ етиб келади:

— Муаммонинг ечими осон: спектаклни ўн дақиқа олдин бошлаш керак ёки метронинг ёпилишини ўн дақиқага кечиктириш зарур.

ЎЗИНГИЗНИ ТЎХТАТИБ БЎПСИЗ

Бернард Шоу Шекспирдан кўра ҳам кўп пьеса ёзган. У бу ишга шу қадар берилиб кетганки, умрининг сўнгги дақиқаларигача пьеса ёзишдан тўхтамаган. Ундан бунинг сирини сўрашганида, шундай жавоб берган: “Сиз ҳам бир-иккита пьеса ёзиб кўринг-а, натижа қандай бўлишидан қатъи назар, ўзингизни тўхтатиб бўпсиз...”

ПУЛ ТЎЛАШНИНГ САБАБИ

Эдис Лейден исмли аёл Бернард Шоунинг уйида узоқ йиллар хизматкор бўлиб ишлаган. Шоу тўғрисидаги кўп латифаларда ана шу аёлнинг топқир ва сўзамоллиги ўз ифодасини топган.

Кунларнинг бирида нотаниш журналист Шоунинг эшигини тақиллатиб, машхур драматург билан учрашиш ниятида эканини айтади. Эдис Лейден “Бунинг иложи йўқ”, дейди. Журналист тихирлик қилиб, “Майли, қабул қилмаса, хафа бўлмайман, аммо буни Шоу жанобларининг ўзидан эшитишмун керак”, деб эшик олдида туриб олади. Эдис хомин унга шундай жавоб беради: “Бунинг ҳам иложи йўқ. Жаноб Шоу менга бу сўзларни айнан мен айтишим учун пул тўлайди”.

Ё ҲАМЁН, Ё ИНТЕРВЬЮ

Бернард Шоу ўта машхур бўлишига қарамай, журналистларга интервью беришдан доимо қочиб юрган. Бунинг сабаби, ўзи ҳам журналистика билан бевосита шугуллангани учун, касбдошларининг бемаъни саволларию қўшиб-чатишларидан безор бўлган. Мухбирлар эса, у билан мулоқот қилиш учун турли ҳийла-найранглار ўйлаб топишган.

Бир куни қароқчилар қийимидagi икки мухбир кечки спектаклдан чиқиб келаётган Шоунинг йўлини тўсиб, унга дўқ қилишади:

— Қани, жонингдан умидинг бўлса, ҳамённи чиқар! Шоу ёнида бир мири пули йўқлигини айтади.

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, бизга интервью берасан! — дейди “қароқчи”лар.

ЧОДИР

Шерлок Холмс ва Watson ўрмонга бориб дам олмоқчи бўлишди. Кичикроқ сайхонликда тўхтаб, чодир қуришди ва ухлаганини ётишди. Ярим кечада Холмс уйғониб кетиб, осмонда чарақлаб турган юлдузларга боққанча шеригини уйғотди.

— Watson, юлдузларни кўраяпсанми?

— Ҳа, жуда тиник чарақлар экан ўрмонда.

— Хаёлингга нималар келмоқда?

— Шаҳарда ухлагандан кўра, ўрмонда мизғиган яхши шекилли. Сиз-чи, Холмс, нималар ҳақида хаёл сураяпсиз?

— Менинча, чодиримизни ўғирлашибди, ярамаслар.

БОШ РОЛНИ ЎЗИНГИЗ ЎЙНАЙСИЗ

Театр санъатиға қизиқадиған бир бадавлат киши Шоуга мактуб ёзади: “Муҳтарам дўстим. Яхши биласизки, мен ижодингизнинг ашаддий мухлисиман. Пьесаларингизнинг деярли барчасини кўрганман. Сизни кўп бор қутлаганман. Шунга қарамай, мен ҳақимда ҳозиргача ҳеч нарса ёзмадингиз. Бизнесдаги ютуқларимни кўролмайдиган ҳасадгўйларимнинг бошлаб таъзирини беришим ҳақида, нахотки, ёзиш мумкин бўлмаса?”.

Шоу унга жавоб ёзади: “Муҳтарам дўстим. Мактубингизни ўқишим биланок, ишга киришдим. Пьеса тайёр. Аммо... бош ролни ўзингиз ўйнашингизга тўғри келади. Негаки, бу ишни сиздан бошқа ҳеч ким бажара олмайди...”

Тўпловчи: Аҳмад ОҒА

Марҳамат туманида соя-салқин, одамлар дам оладиган хушхаво масканлар кўп. Шулардан бири туман марказидаги “Чин дўст” чойхонаси бўлиб, унинг эгалари бу маскан яқин дўстлар, ошна-оғайнилар учрашадиган, дийдорлашадиган жой бўлсин, деган ниятда шундай ном билан аташган. Дарҳақиқат, агар дўстлар бир-бирига оқибатли ва қадрдон бўлса, дўстлик ғараз ёки манфаатдорлик эвазига қурилмаса, бундай чин инсоний муносабатга фақат ҳавас қилса арзийди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳодиса ҳам “Чин дўст” чойхонасида бошланиб, шу ернинг ўзида яқун топди.

Ўзларини чин дўстлар деб билган Давронбек Турғунов ва Музаффар Умаралиев (исм-шарифлар ўзгартирилди) анчадан буён учрашишмаган эди. Шу сабабли чойхонада анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Лекин икковининг ҳам кўпол хатоси — ўзаро учрашувни спиртли ичимлик ичиш учун баҳона деб билишганида бўлди. Улар бир соат ичида бир неча шишани бў-



Жиноятга жазо муқаррар

СОХТА ДЎСТЛИК

ёки чойхонада пишитилган жиноий режа оғуфурушларни панжара ортига етаклагани хусусида

шатишди, суҳбат мавзуси ҳам фақат олди-қочди гаплардан нарига ўтмади. Музаффар гап орасида Россияда бирга ишлаган таниши ундан гиёҳвандлик моддаси сўрагани, у жуда бой бўлиб, анча-мунча пулнинг юзига қарамаслигига алоҳида урғу бериб гапиради.

Давронга бу гаплар мойдай ёқиб тушади. Шу боис у шеригига мижозни кўлдан чиқармаслиқни, қанча гиёҳвандлик моддаси керак бўлса, топиб беришини айтади. Сўнг улар Музаффарнинг уйига боришади ва молхона девори

орасига яшириб қўйилган гиёҳвандлик моддасини қидиришга тушишади. Аммо гиёҳвандлик моддасини ҳадеганда топишолмайди. Улар ақл-хушини йўқотадиган аснода маст эди.

Қисқаси, улар узоқ вақт излаб, гиёҳвандлик моддасини тополмагач, Даврон яна бир карра яхши мижозни кўлдан чиқармаслиқни уқтираркан, “тишининг ковагида” сақлаб турган гиёҳвандлик моддасини беришга тайёр эканини айтиб, шеригини уйига бошлаб келади. Ҳақиқатан

ҳам, у уйида қонунга хилоф равишда сақлаб келган “гашиш” гиёҳвандлик моддасини Музаффарга бераркан, уни қимматроқ нархда сотишни тайинлайди.

Бу ёғини сўрасангиз, ҳамтовокларнинг гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан боғлиқ қилмшидан аллақачон ички ишлар ходимлари хабар топган, шу сабабли уларнинг ҳар бир ҳаракати кузатув остида эди. Алапхусус, 2024 йил 28 октябрь куни соат 19 ларда Марҳамат тумани марказидаги “Чин дўст” чойхонаси олдида Д.Турғунов ва М.Умаралиев “махсус харидор”га оғирлиги 288,1 грамм бўлган, кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 3500 АҚШ долларига сотаётган пайтда ушланади.

Шундан сўнг ғалати воқеа рўй беради: гарчи, гумондорлар чойхонада учрашиб туришса-да, аслида, улар умуман дўст эмаслигини айтиб, бир-бирини айблашга тушади. Уларнинг кўрсатмалари асосида М.Умаралиев уйининг молхонасида сақлаб келаётган оғирлиги 294,7 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳам топилиб, ашёвий далил тарикасида олинди. Ҳар қандай жиноят учун

жазо муқаррар. Шу сабабли, Д.Турғунов ва М.Умаралиев Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, уларнинг ҳар бирига қилмшиига яраша жазо тайинланди.

Судланувчилар судда ҳам айбни бир-бирига ағдариб, ўзининг ҳалол инсон экани, фақат шериги сабабли жиноят кўчасига кириб қолганини айтиб, суддан енгиллик беришни сўрашди. Бу ҳолат, ўз навбатида, ҳақиқий дўстлик эзгу ишларда, олижаноб мақсад ва ибратли фаолиятда намоён бўлишини кўрсатади. Зеро, ёмон ният, ғаразли мақсадларда ҳеч қачон дўстлик бўлмайди, бундай қилмшиларга бош қўиш вақтинчалик ҳамтовоклик ёки жиноий шериклик бўлиб, қилмшилар фош бўлгач, бундай “дўст”лар бир-бирини тезроқ “сотиш”, ёмонлаш ва шу йўллар билан жавобгарликдан қутулиб қолиш ёки жазони енгиллаштириш пайида бўлишади. Шундай экан, умрни эзгу мақсадларга бағишлаш, ҳақиқий дўстлар даврасида ҳаётдан завқланиб яшашга нима етсин!

Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди раиси

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЁСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Дарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 5910
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.